



**АКТ СОҲАСИ
ТАДБИРКОРЛА-
РИГА ИМТИЁЗ-
ЛАР БЕРИЛДИ**

3-бет.



**100 МИЛЛИОН
ДОЛЛАР
УҒИРЛАГАН
ВИРУС ФОШ
ЭТИЛДИ**

6-бет.



**ДА ВИНЧИДАН
ИЛҲОМЛАНГАН
МУҲАНДИС**

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

**05 (1531)-son
4-fevral
2022**

[@xabaruzofficial](https://twitter.com/xabaruzofficial)
[facebook.com/xabar.uz/](https://www.facebook.com/xabar.uz/)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

ҚИШЛОҚЛАРДА ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДАГИ ИНТЕРНЕТ

“Ўзбектелеком” АК томонидан аҳолини юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш ишлари 2022 йилда ҳам изчил олиб бориляпти. Ушбу фаолиятлар вилоятлардаги туманларнинг олис ҳудудларида ҳам акс этмоқда.

“Қўғайўлмас” маҳалласи Наманган вилоятининг Учқўрғон тумани марказидан 20 километр масофада жойлашган. Айни пайтда ҳудуд аҳолисининг юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиши учун ҳаво тармоғи орқали икки километр узунликдаги оптик толали алоқа линияларини тортиш ишлари бошлаб юборилди.

Айтиш жоизки, 2021 йил давомида Наманган вилояти бўйича 3 минг км. дан зиёд оптик толали алоқа линиялари қурилган.



ГЛОБАЛ МОБИЛ ИНТЕРНЕТ НИМАЛАРГА САРФЛАНМОҚДА?

1. Видеосервислар — 49 фоиз
2. Ижтимоий тармоқлар — 19 фоиз
3. Веб-сайтлар — 13 фоиз
4. Мессенжерлар — 7 фоиз
5. Ўйинлар — 4 фоиз
6. Онлайн савдо — 4 фоиз
- Бошқалар — 4 фоиз



Манба: Визуал DIGITAL

IT-ДОНИШМАНДЛИК



ОДАМЛАР ВА РОБОТЛАР

РАҚОБАТИ

**ёхуд Сунъий
интеллект
инсониятнинг
ютугими ёки
мағлубияти?**

Одамзод пайдо бўлибдики, ўз турмуш тарзини мунтазам яшашга, такомиллаштиришга ҳаракат қилади. Ҳар бир даврга хос донишмандлар, ҳаёлот оламини реалликка кўчиришни истовчи илғор тафаккурли кишиларнинг тафаккур маҳсуллари замондошларини доим ҳайратга солгани бежиз эмас: ўзи учар гиламлар, ойнаи жаҳон, ишқаланса ичидан жин чиқиб, барча орзу-истакларни рўёбга чиқарувчи сеҳрли чирок... Кейинчалик ушбу ҳаёлот дунёси ҳаётда ўз тасдиғини топиб, инсоният ҳаво шарлари орқали кўкка қўтарилди... самолётлар, турли автомашиналар, телевизор, телефон, интернет пайдо бўлди, товуш тезлигидан тез учувчи ракетага сайёраларни забт этди... Бу жараён дастлаб табиат ҳодисалари билан боғлиқ бўлган бўлса, кейинчалик эҳтиёжларни қондириш, вақтни тежаш ва бошқа энгилликларни яратиш учун амалга оширилди.

Заковат маҳсули

XXI асрда бу жараён ўзининг энг юқори чўққисига чиқди, десак янглишмаган бўламиз. Бу даврнинг ўзига хос белгиларидан бири – сунъий интеллект (artificial intelligence)нинг реалликка айланиб, ҳаётимизга кириб келиши бўлди. Ҳозирда биз фойдаланаётган кўплаб ахборот технологиялари дастурлари, жумладан, мобил қурилмаларнинг барчаси сунъий тафаккур маҳсулидир. Уларни яратиш ва йиғиш жараёнида ҳам маҳсус роботларнинг беминнат хизматидан фойдаланилади.

Аниқроғи, бир роботни яратиш учун бошқа бир робот ишлатилади. Айниқса, оғир саноатда роботларнинг улуши катта. Сабаби, маълум бир ишни бажариш учун мўлжалланган роботлар берилган вазифани одамларга нисбатан тезроқ, аниқроқ, энг муҳими, бехато бажаришади.

Одатда, роботлар деганда, кўпчиликнинг кўз олдига инсонлардек гаплашиб, уларнинг ўрнига барча юмушларни бажара оладиган ёрдамчилар келади. Аммо бу нисбатан кенгроқ тушунча. Аслида, мобил қурилмангиздаги дастурлар:

google-таржимон, луғатлар, турли хил ўйинлар ва ҳоказолар ҳам сунъий интеллектга яққол мисол бўла олади. Фақат уларнинг қамрови кичикроқ бўлиб, маълум бир йўналишдагина сизга ёрдам бериши мумкин. Яъни, бажармоқчи бўлган амалларингиз турига қараб тегишли дастурдан фойдаланасиз. Айни дамда эса, сунъий тафаккур тушунчаси шу қадар кенгайиб кетганки, дунёнинг у ёки бу бурчагида бу борада қилинаётган оламшумул ишлардан ҳайратланмай илож йўқ.





Жумадан
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январ куни видеоконференция шаклида ўтган “Ҳиндистон – Марказий Осиё” биринчи саммитида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари мазкур тадбирда “Ҳиндистон – Марказий Осиё” форматидаги амалий ҳамкорликни илгари суришнинг стратегик устувор йўналишларини белгилаб, бу борада аниқ тақдирларни илгари сурди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 январ куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Давлатимиз раҳбари мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар жуда муҳим эканини таъкидлаб, мутасаддиларга халқаро ташкилотлар билан биргаликда стратегия ишлаб чиқиш вазифасини кўйди. Шу асосда, Мактаб таълимини ривожлантириш дастури қабул қилиниши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 30 январ куни Илом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар кўйди. Маросимда Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси ва ҳукумат вакиллари, илм-фан ва маданият намояндalари, зиёлилар, шаҳар жамоатчилиги иштирок этди. Илом Каримовнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар кўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2 феврал куни чиқиндилар билан ишлаш тизими ва экологик ҳолатни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпиннинг тақлифига биноан XXIV қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими доирасидаги тадбирларда иштирок этиш учун 4-5 феврал кунлари ташриф билан Пекин шаҳрида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Оздодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан биллиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 63 нафар фуқаро афв этилди.

ВАЗИРЛИК ИШЧИ ГУРУҲИ САМАРҚАНДДА

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов бошчилигидаги ишчи гуруҳ соҳада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ўрганиш мақсадида 3 феврал куни Самарқанд вилоятида бўлди.

Ташриф доирасида АКТ вазири Шерзод Шерматов Самарқанд туризм марказига бориб, марказда амалга оширилаётган ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни жорий этиш ишлари билан яқиндан танишди.

Қурилаётган марказ туристик хабга айланиб, бу ерда халқаро анжуманлар ўтказиш учун ҳам кенг шароит яратилади. Самарқанд туризм марказини 2022 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Аҳоли ва меҳмонларга қулайлик яратиш учун бу ерда ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш доирасида АКТ вазири томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, объектлар юқори тезликдаги узлуксиз интернет ва тўғридан-тўғри халқаро телефон алоқаси билан таъминланди. Шу билан бирга, Самарқанд туризм марказига бўлган беш километр масофада алоқа тармоқларини қуриш ишлари бажарилди.

Марказ компютер ва нухса кўчириш ускуналари, проекторлар ва экранлар, шунингдек, зарур бошқа махсус ускуналарни ажратишда, оммавий ахборот воситалари ва-



киллари учун компютерлар, Wi-Fi ва бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида 41,5 километр алоқа тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган. Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрида алоқа тармоқларини қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли рўйхатига асосан 39,32 километр узунликдаги алоқа каналлари қурилди.

Учрашув давомида АКТ вазири Ш.Шерматов амалга оширилаётган ишлар ва лойиҳалар билан яқиндан танишиб, улар юзасидан топшириқлар берди. Шу ҳудудда мобил алоқа сифатини янада яхшилаш ва аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида мобил таянч станцияларини ўрнатиш ва барча мобил алоқа операторларини сифатли ишлашини таъминлаш бўйича вазифалар белгилаб берилди.



Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари Жамол Мақсудов Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалига борди.

Вазир ўринбосари бу ерда филиал профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари томонидан амалга оширилаётган илмий ишлар, ахборот технологиялари соҳасида татбиқ этилишга мўлжалланган техник ихтиро ва тадқиқот лойиҳалари билан қизиқди. Хусусан, филиалнинг Иқтисодли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими бошлиги Улугбек Эшонқуловнинг “Маркет Аккаунт” лойиҳаси асосидаги “POST” тизими тўғрисида, “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси ўқитувчилари Жамшид ўринов ва

Зафар Ғайратовларнинг “Ақли хавфсиз эшик”, “Ақли шаҳар”, “Инсон ҳаракатини аниқлаш ва хабар бериш”, “Электрон иқлимни мониторинг қилиш” ҳамда “Ахборот таълим технологиялари” кафедраси мудири Хошим Раҳмоновнинг Фавқулотда вазиятлар бошқармаси буюртмасига асосан ишлаб чиқилган “Енгинни аниқлаш тизими” каби техник ихтиро ва тадқиқот тизимлари намойиш этилди. Вазир ўринбосари ушбу техник ихтиро ва тадқиқот лойиҳалари бўйича ўз фикрларини билдирди, керакли маслаҳатларни берди.

Шунингдек, ТАТУ Самарқанд филиали директори Зайниддин Қаршиев филиал фаолияти ва илмий салоҳияти, бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
“Xabar”нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

АКТ СОҲАСИ ТАДБИРКОРЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида АКТ вазири Ш.Шерматов раҳбарлигида соҳа корхона ва ташкилотлари ҳамда ҳудудий бошқармалари учун видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Президентнинг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”-ги 2022 йил 28 январдаги 60-сонли Фармонида ҳамда “Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти та устувор йўналишдан иборат 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастурида кўрсатилган вазифаларни муддатига ижро этиш ва сифатли бажариш масалалари кўриб чиқилди.

Мазкур фармонда АКТ вазириликка телекоммуникация инфратузилмаси, электрон ҳукумат, IT-индустрияни ривожлантиришга оид 42та (14та бўйича асосий ижрочи ва 28та тадбир бўйича ҳам ижрочи), вазирилик ва идораларга эса 40дан зиёд соҳага оид вазифалар белгиланган.

– Давлатимиз раҳбари томонидан АКТ соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – деди АКТ вазири Шерзод Шерматов. – Операторлар, провайдерлар ва кичик тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилди. 2025 йил 1 январга қадар бошқа хизматлар билан бир

қаторда компьютер хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланди. 2022 йил 1 январдан мобил алоқа операторлари учун мобил алоқа хизматларига солинадиган акциз солиғи ставкаси 10 фоиз этиб ўрнатилди, натижада маблағларни рақамли инфратузилмани янада ривожлантиришга йўналтириш имкониятлари яратилди. Шунча имконият яратиб берилган экан, аҳолига сифатли ва замонавий телекоммуникация ва рақамли хизматларни кўрсатиш ҳамда рақамли иқтисодийни ривожлантириш


учун барча имкониятларни шу масалага қаратишимиз керак.

Таъкидландики, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб қишлоқ жойлардаги антенна-мачталар мол-мулк ва ер солиғидан озод этилди. Телекоммуникация операторлари ва провайдерлари томонидан рақамли инфратузилмани жорий этиш лойиҳалари доирасида олиб қилинадиган технологик ускуналар ва қурилмалар божхона божи тўловларидан озод этилди. Радиочастота спектридан фойдаланувчиларга радиочастота спектридан биргаликда фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Учинчи ташаббус

РОБОТОТЕХНИКА БЎЙИЧА КОРЕЯ ТАЪЛИМ ДАСТУРИ ОЧИЛДИ

IT-Паркнинг Тошкент ва Жиззах филиалларида Корейнинг Entry дастури бўйича 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун робототехника курсларига қабул бошланди.



Entry дастури – Жанубий Корейда ўзини исботлаб яхши йўлга қўйилган ва мактаб ўқув дастурига киритилган. Курс дастури Корейнинг Neo Soco платформасига асосланган бўлиб, у алгоритмларни, дастурлаш асосларини, механика, сенсорлар, бошқарув турларини ҳамда лойиҳага йўналтирилган муаммоларни ҳал қилишни ўрганишга қаратилган.

Робототехника бўйича кўплаб маҳаллий ва халқаро мусобақалар ғолиби, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби Суҳроб Хайдаров ҳозирда IT-Паркда мобил робототехника бўйича катта ўқитувчи. У уч йилдан ортиқ вақт мобайнида мобил робототехника соҳасида ишлайди, 20дан ортиқ стартап яратган. Фаолияти давомида фрилансер биржаларда 103та буюртмани бажарган.



Бунёд Бердиев мобил робототехника бўйича WorldSkills мутахассиси. Қолаверса, унинг стартапларидан бири BikeSharing – TechnoWays Гран-присида биринчи ўринни эгаллади. Бугунги кунда Бунёд IT-Паркнинг Жиззах филиалида робототехникадан дарс беради. Бунёднинг кўплаб ўқувчилари робототехника бўйича турли танлов ва мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритган.

Жиззах вилояти

ТИББИЁТДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Жиззах вилоятининг ҳудудларида фаолият юритаётган Рақамли технологиялар ўқув марказларида соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларини ахборот технологиялари ҳамда компьютер саводхонлиги бўйича малакасини ошириш ишлари давом этмоқда.

Бунга мисол тариқасида Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги Рақамли технологиялар ўқув марказида 131 нафар IT-оператор – ҳамширалар, тиббий рўйхатчи ходимларининг компьютер саводхонлиги ва “Электрон соғлиқни сақлаш комплекси” ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича бепул тарзда малакалари оширилди.

Таъкидлаш лозим, ҳар бир оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида электрон тизим билан ишлайдиган бир нафардан IT-оператор – ҳамшира лавозими жорий этилган.



ОДАМЛАР ВА РОБОТЛАР РАҚОБАТА

1

Сунъий интеллект ўзи нима?

Келинг, аввало, сунъий интеллект изоҳига яна бир кўз ташлайлик. Интернет тақдим қилган маълумотга кўра, Сунъий интеллект – информатиканинг алоҳида соҳаси бўлиб, одатда инсон онги билан боғлиқ имкониятлар: тилни тушуниш, ўргатиш, муҳокама қилиш, масалани ечиш, таржима ва шу каби имкониятларга эга компютер тизимларини яратиш билан шуғулланади. Ҳозирда бу соҳа турли амалларни бажаришга мўлжалланган алгоритм ҳамда дастурий тизимлардан иборат ва у инсон онги бажариши мумкин бўлган бир қанча вазифаларнинг уйдасидан чиқа олади.

Ўтган асрнинг 90-йилларида сунъий ақл тараққиётида янги саҳифа очилди. 1997 йилда Deep Blue номли IBM компютери шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаровни енган илк ақлли компютер сифатида тарихда қолди.

Ҳақиқат баҳсларда туғилади

Инсоният закосининг энг юқори чўққиси ҳисобланган сунъий тафаккур ҳақидаги баҳс-мунозаралар қарийб ярим асрдан бери давом этмоқда. Мутахассислар ҳанузгача бир тўхтама қелишгани йўқ. Баъзилари уларнинг оммалашиб, одамлар ўрнини эгаллаб бораётгани натижасида оммавий ишсизлик кўрсаткичлари ошиб кетиши мумкинлигидан ташвишда бўлса, бошқа бир гуруҳи эса бу жараёнга ижобий муносабатда бўлиш кераклигини уқтиришмоқда. Ҳатто IT-соҳасидаги миллиардерлар орасида ҳам турли қарашлар мавжуд.

Жумладан, SpaceX асосчиси Илон Маск бу бутун бошли цивилизацияни барбод қилишига ишончликомил: “Сунъий тафаккур инсоният тамаддунини учун асосий хавфдир. У меҳнат билан боғлиқ оммавий муаммоларни келтириб чиқаради. Сабаби, роботлар ҳамма ишни биздан кўра яхшироқ бажара олишади. Илғор технологиялар ортидан қувиш натижасида компаниялар сунъий интеллект ортидан келиб чиқадиган хавф-хатарни кўрмай қолишлари мумкин”.

Шунингдек, Microsoft раҳбари Билл Гейтс ҳам унинг зарарига тўхталиб ўтади: “Бир неча ўн йилдан сўнг, роботлар ишнинг катта қисмини бажара бошлагач, жараён шу қадар кучайиб кетадики, яқунда у бизни хавотирга сола бошлайди. Бу борада Илон Маскнинг фикрига қўшиламан. Аммо нега бу савол бошқаларни ташвишлантирмаётганига ҳеч тушунолмайман”, – дейди у.

“Бошқалар” деганда Гейтс Facebook эгаси Марк Цукербергни назарда тут-

ган бўлса, ажаб эмас. Чунки, Марк сунъий ақлга нисбатан ижобий муносабатда эканлигини айтар экан: “Янги технологиялар ҳар доим ҳам яхшилик ёки ёмонлик қилиш мақсадида яратилиши мумкин. Роботларнинг кенг тарқалиши ортидан келадиган ижобий натижани эса, яқин 5-10 йил ичида кўраимиз”, – дея Илон Маскнинг фикрига эътироз билдирган эди.

Роботчалар ҳам ясаб беришади

Халқимизнинг сеvimли адиби Шароф Бошбеков асари асосида ишланган “Темир хотин” спектаклини ҳам, киносини ҳам барча кўрган. Асар қаҳрамони Кўчкор ака робототехника муҳандиси Олимтой ихтироси бўлган робот аёл – Аломатга уйланмоқчи бўлади. Шунда Олимтой унга шундай дейди: “...Ҳали кичкина-кичкина роботчалар ҳам ясаб бер, дерсиз...” Куйидаги жараёнлар кинояли бу гап ҳаётда тасдиғини топаётгандек, гўё.

Бугунги кунда айрим давлатларда робот-ҳамширалар, ҳайдовчисиз транспорт воситалари, буюртмани етказиб берувчи дронлар хизматидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Ҳатто полиция ходимларининг баъзи вазифаларини ҳам махсус роботлар бажаришяпти. Олимтой уларнинг



ташқи кўринишини имкон қадар одамларникига ўхшатишга уринишмоқда. Масалан, бир вақтлар сунъий тафаккурни инсоният учун асосий хавф деб билган Илон Маск бу борада ҳаммасларидан анча илгарилар кетди.

Ўтган йилнинг ёзида, Teslarati портали хабарига кўра, Илон Маск Пало-Алто (Калифорния штатидаги шаҳар, АҚШ)да сунъий интеллектга бағишланган тадбир доирасида ўтказилган тақдиротда Tesla Inc 2022 йилда Tesla Bot гуманоид-робот (одамсимон робот) прототипини тақдим этишни режалаштирганини маълум қилганди. Маскнинг айтишича, бўйи 172 сантиметр, вазни 57 килограммли роботнинг юзи ўрнига экран бўлади, қўллари ва оёқлари 40та махсус симлар орқали бошқарилади. Бундан ташқари, робот мавжуд бўлган сунъий интеллект қурилмала-

ёхуд Сунъий интеллект инсониятнинг ютуғими ёки мағлубияти?

рининг бир қисмини ишлата олади. Масалан, робот Tesla автомашиналари каби махсус камералар билан жиҳозланади.

Маскнинг сўзларига кўра, робот дўконга бориши, буюмларни олиб келиши ва бошқа буйруқларни бажариши мумкин.

Шифокорга яқин кўмакчи

Swiss Re суғурта компанияси 2020 йилдаёқ 4,7 млн. аҳоли ишсиз қолиши, ишсизлик газначилар, почта ходимлари, ҳисобчилар ва идора хизматчиларига хавф солиши мумкинлиги, чунки сунъий тафаккур уларнинг вазифасини бемалол бажара олишини баҳорат қилганди. Мана, 2022 йилга ҳам етиб келдик. Хўш, келажакда қайси касб ва соҳалар технологиялар сабаб йўқолиб кетиш арафасида?

Мижозлар ва харидорлардан маълумотларни олиш билан боғлиқ ҳар қандай юмуш аллақачон компютерларга юкланган. Сунъий тафаккур технологиялари айнан хизмат кўрсатиш соҳасида одамлар ўрнини тез эгаллаб олмоқда. Тахминларга кўра, 2025 йилга бориб, барча ишлаб чиқариш вазифаларининг 45 фоизини сунъий технологиялар бажаради. Ҳозир бу кўрсаткич 10 фоизга тенг ва бунинг ўзи ҳам кичкина рақам эмас.

Айниқса, тиббиётда унинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Робот-шифокорларнинг тиббиёт ходимлари билан ўзига хос ҳамкорлиги самарадорликни анча оширди. Албатта, барча шифокорларни роботлар ва сунъий интеллект билан алмаштириб бўлмайди, аммо баъзи функцияларда технология аллақачон шифокорлардан ўзиб улгурган. Эндиликда роботлар нисбатан мураккаб жарроҳлик амалиётларини ҳам уйдасидан чиқишяпти. АҚШдаги бир нечта клиникаларда аллақачон беморларга ташхис қўйишда сунъий интеллект технологиялари фойдаланилмоқда. Кўп ҳолларда ташхиснинг аниқлигини шифокорларга қараганда яхшироқ кўрсатади.

Миллий стратегия

Бугунги кунга қадар жаҳон мамлакатлари томонидан сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича етгита халқаро, эллиқдан ортиқ миллий стратегия қабул қилинган. Бу йўналишда Ўзбекистонда ҳам катта қадам ташланди ва сунъий интеллект соҳасида қонунчиликдаги бўшлиқ тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентининг 17.02.2021 йилдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4996-қарорида ҳам “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш белгиланган.

Шунингдек, Инновацион ривожланиш вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон инновацион ривожланиш стратегияси ва Илм-фанни ривожлантириш концепцияси доирасида мамлакатда сунъий интеллектни ривожлантиришга қаратилган мейёрли-хуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Ҳужжатга кўра, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, соғлиқни сақлаш каби тармоқларга сунъий интеллект технологияларини ўз ичига олган инновацион лойиҳа ва ечимлар жорий этилади. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ҳамда уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Барибир билим ва тажриба муҳим

Аксарият истеъмолчиларнинг роботларга ишонч билдирмаётгани ҳам жараённинг оммалашшига монелик қилмоқда. Кафе ёки ресторонлардаги мижозларга хизмат кўрсатувчи роботларга кўникиш мумкинди, аммо ҳайдовчисиз бошқариладиган автомобил ёки самолётлар хизматидан фойдаланиш учун катта авлод вакилларига бироз кўникма керак, албатта. Бугунги замонавий технологиялар курсида ўсаётган ёш авлод эса аксинча – улар бу эвриллишлардан унчалик хавотирланаётгани йўқ.

Хуллас, сунъий тафаккурнинг ҳаётимиздаги ўрни кундан-кунга чуқурлашиб бормоқда. Улар инсониятнинг ютуғими ёки мағлубияти, деган савол устидаги баҳслар ҳали узоқ давом этади. Энг муҳими, ўз касбининг усталари доим талабгир бўлиб қолаверади. Zero, ҳар қандай юксак технология инсон зақоси маҳсулидир. Шундай экан, инсон доим ўз муаммоларига ечим топа олади!

Смсонжон ЙЎЛДОШЕВ

АКЦИЗ НА МОБИЛЬНУЮ СВЯЗЬ СНИЗИЛИ ДО 10%. В 2023 ГОДУ ЕГО ОТМЕНЯТ

Президент Шавкат Мирзиёев подписал указ о мерах поддержки сферы услуг. В частности, вводятся налоговые льготы для торговых центров, гостиниц и других объектов.

Помимо того, документ предусматривает поддержку деятельности телеком-компаний Узбекистана по расширению инфраструктуры.

Так, с 1 января ставка акциза на услуги мобильной связи для операторов снижается до 10%.

В 2021 году данный налог уже снижали с 20% до 15%. Планируется полностью отменить его с 2023 года.

С 1 апреля вышки сотовой связи, расположенные в сельской местности, освобождаются от налога на имущество, а занимаемые ими участки — от земельного налога.

При этом установленные на земельных участках антенно-мачтовые конструкции, а также связанные с ними

конструкции (ограждения, грузоподъемники, молниеотводы, заземление, освещение, сигнализация) при исчислении налога на имущество рассматриваются как недвижимость.

Кроме того, до 1 января 2025 от таможенных пошлин будут освобождены несколько категорий техники, ввозимой в Узбекистан:

- аппаратура для передачи (приёма звука, изображений и других данных, проводным или беспроводным путём (коммутаторы, маршрутизаторы, аппаратура связи);
- устройства хранения данных (CD/DVD-диски, SSD, карты памяти);
- проекторы;
- колонки и наушники.



Также от пошлин освободят технологическое оборудование, ПО, материалы и запчасти, ввозимые телеком-операторами и провайдерами для развития инфраструктуры связи в Узбекистане. С соответствующим предложением в начале года выступил Мининфоком.

С 1 апреля 2022 года пользователи радиочастотного спектра смогут использовать его совместно при наличии разрешения от соответствующих органов.

Вводятся льготы для резидентов IT-Park, занимающихся экспортом в крупных объёмах. Сумма ежемесячных отчислений при годовом объёме экспорта IT-услуг свыше \$10 млн. снижается на 25%, свыше \$20 млн. — на 50%.

В IT-PARK TASHKENT ПРОШЕЛ CODING MONDAY

31 января 2022 года в IT-Park Tashkent состоялась встреча молодых программистов в рамках мероприятия Coding Monday.

Coding Monday – это мероприятие, цель которого заключается в обмене опытом и знаниями между специалистами из направлений сферы IT. Более опытные IT-специалисты помогают начинающим, находят единомышленников и учатся друг у друга.

Спикерами Coding Monday стали сооснователь и СТО в Mars IT School и MODME CRM Руслан Юлдашев, фрилансер, основатель учебного центра Unitech School Шахбоз Джураев, Expert Executy Engineer в MBition (Mercedes Benz) Слава Москвин и senior software developer в DataSite Technology Евгений Асташев.


В ходе мероприятия участники пообщались друг с другом на темы разработки мобильных приложений, reverse engineering, веб-приложений, оптимизации и др.

Данное мероприятие позволит молодым IT-специалистам любого уровня найти себе единомышленников и главное, создать сообщество IT-специалистов, проявляющих интерес к данной сфере.



ОБНАРУЖЕНИЕ ИСТОЧНИКОВ РАДИОПОМЕХ

Одно из важных направлений мониторинга радиочастотного спектра



Одной из главных задач Службы электромагнитной совместимости Сырдарьинской области является осуществление мониторинга радиочастотного спектра. Мониторинг радиочастотного спектра – это комплекс организационно-технических мероприятий, предназначенных для наблюдения за состоянием радиочастотного спектра, оценки его использования, предупреждения и устранения нарушений законодательства о радиочастотном спектре.

Служба электромагнитной совместимости Сырдарьинской области при осуществлении мониторинга радиочастотного спектра с помощью стационарных, мобильных и носимых измерительных устройств выполняет технические измерения по различным направлениям. Одним из таких направлений является осуществление задач по обнаружению и выявлению источников радиопомех. Радиопомеха – это воздействие электромагнитной энергии, вызванной одним или несколькими излучениями, на приём в системе радиосвязи, проявляющееся в ухудшении качества, ошибках или потерях информации.

Обнаружение источников радиопомех считается одной из самых сложных задач стоящих перед инженерами по радиомониторингу. Для оперативного поиска

и обнаружения источников радиопомех инженер по радиомониторингу должен:

- обладать хорошими знаниями в области теории распространения радиоволн в различных диапазонах радиочастот;
- хорошо знать рельеф местности;
- знать принцип работы радиопередающих и радиоприёмных устройств;
- хорошо понимать основы организации радиосвязи в различных телекоммуникационных системах;
- уметь анализировать реальную загруженность радиочастотного спектра;
- учитывать все факторы, способные повлиять на электромагнитную совместимость радиозлектронных средств (РЭС) и высокочастотных устройств (ВЧУ);



- знать требования государственных стандартов и технических норм, предъявляемые к техническим параметрам РЭС;
- знать требования государственных стандартов и технических норм, предъявляемые к техническим средствам-возможных источников промышленных радиопомех;
- на профессиональном уровне уметь оперировать всеми возможностями имеющихся изме-

рительных приборов и мониторинговых систем;

- владеть информацией о технических характеристиках всех зарегистрированных РЭС области;
- владеть информацией о технических характеристиках РЭС и ВЧУ ввоз, приобретение (передача) и эксплуатация которых допускается без соответствующих разрешений радиочастотного органа;
- знать свои права и обязанности в рамках законодательства Республики Узбекистан.

Необходимо отметить, что инженер по радиомониторингу несёт ответственность за несвоевременное выявление радиопомех.

Ж. РАИМДЖАНОВ,
инженер 1-категории
Службы электромагнитной совместимости Сырдарьинской области



100 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЎГИРЛАГАН ВИРУС ФОШ ЭТИЛДИ

Dark Herring вируси билан зарарланган иловалар Google Play дўконидан 105 миллион мартабадан кўпроқ кўчириб олинди. Zimperium компанияси Google расмий дўконидagi 470та иловада ушбу вирусни аниқлади.

Zimperium блогда ёзилишича, зарарли дастурий таъминот бир қарашда безарар, ҳамма ишлатадиган дастур ва ўйинлар ичига кириб жойлашиб олган. Вирус шунчалик маккорки, ҳатто ўрнатилган жараёнида фойдаланувчидан шубҳали рухсатлар учун изн сўрамаган, кўчирилган иловалар бир текисда ишлашда давом этган, вирус эса пайт пойлаган.

Dark Herring, уяли алоқа операторининг ҳисоб рақами тўлов функциясида фойдаланиб, ўн миллионлаб фойдаланувчиларни уларнинг ҳисобидан мунтазам пул ечилишига олиб келган “пулли хизматлар”га улаб қўйверган. Табиийки, баланс секин-аста тугаб бораётганини кўпчилик дарров пайқамган, ҳар бир зарарлан-

ган қурилмадан вирус ўртача 15 доллардан, жами эса 100 миллион доллардан кўп маблағни ўмарган.

Ҳозирда бу вирус билан зарарланган иловаларнинг барчаси Google Playдан ўчириб юборилди, бироқ чет ресурсларда ҳамон мавжуд.

СУПЕРПАУЭРБАНКИ 5000та СМАРТФОННИ ҚУВВАТЛАЙ ОЛАДИ

Ҳозир кўпчилик ишлатаётган портатив аккумуляторлар, яъни пауэрбанкларнинг сўғими нари борса 10000 миллиампер-соатга тенг — смартфонни 2-3 марта



қувватлаш учун етади. Хитойлик бир ихтирочи “майдалашиб” ўтирмай, бир йўла бундан 27 минг карра кучли пауэрбанкни тақдим этди — 270 000 000 мА!

Ихтирочи (ижтимоий тармоқларда Manual Geng ники остида фаолият юритади)нинг айтишича, пауэрбанк 5 мингтагача

смартфонни (аккумулятор сўғими — 3000 мАс) қувватлай олади. Бир пайтнинг ўзига пауэрбанка 60 тагача қурилмани уласа бўлади, ёзмокча Gizchina.

Смартфонлар билан бирга, ишталган электроникани пауэрбанка улаш мумкин: телевизор, ҳатто кир ювиш машинасигача.

Суперқурилмани ясашга қанча пул сарфлангани маълум эмас.

MICROSOFT МИСЛИ КЎРИЛМАГАН DDOS- ҲУЖУМНИ ҚАЙТАРДИ

Дунёдаги энг йирик булутли сервислардан бири — Microsoft Azure мисли кўрилмаган DDOS-ҳужумга учради.

DDoS-ҳужум — хакерлар назорати остидаги жуда кўплаб қурилмалар бир пайтнинг ўзига ресурсни сўровлар билан “бомбардимон” қилиб, унинг қурилмаларини ишдан чиқаришга уриниши.

Azure расмий блогда хабар берилишича, хакерлар уюштирган “чиқинди” маълумотлар оқими сониясига 3,47 терабайтни ташкил этган. Мутахассислар бу каби



улкан ҳужум интернетда биринчи бор кузатилганини қайд этишди.

Зарарли трафик камида 10 мамлакатда жойлашган 10 000дан ортиқ қурилмадан жўнатилади. Нишон — Azureнинг Осиёдаги мижозларидан бири. Ҳодиса ўтган йил ноябрида содир бўлгани ва икки дақиқа давом этгани айтилмокда.

HUAWEI НИНГ ДАВРИ ЎТДИМИ?



Ўтган йили АҚШ томонидан қўлланган санкциялар оқибатида Huawei смартфонлари савдоси инқирозга юз тутди ва бозорда 81,6 фоиз пасайишни қайд этди.

2019 йилда компания 240,6 миллионта телефонларни етказиб берган ва Appleдан кейинги иккинчи ўринни эгаллаганди. 2021 йили АҚШ Савдо вазирлиги Huaweiни миллий хавфсизликка таҳдид қилувчилар рўйхатига киритгач, компания 5G тармоғи қўллаб-қувватловисиз қолган.

Ўз навбатида, Samsung ва Xiaomi каби IT-гигантлар Huaweiни бозордан сиқиб чиқариш учун пайдо бўлган шароитдан унумли фойдаланмокда.

Халқаро ҳаёт

АҚШНИНГ ТАШҚИ ҚАРЗИ РЕКОРД ДАРАЖАГА ЕТДИ



АҚШ умумий давлат қарзи рекорд даражага — 30,012 триллион долларга етди. Бу ҳақда мамлакат молия вазирлиги маълум қилди.

New York Times ёзишича, пандемияга қарши курашга сарфланган катта харажатлар рекордга олиб келди: ишсизлик нафақалари, ки-чик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўловларига қарийб 5 триллион доллар сарфланган.

Ўтган йил давомида АҚШда асосий инфляция, озиқ-овқат ва энергия нархларини ҳисобга олмаганда, 5,5 фоизни ташкил этган. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 6,3 фоизга ошган, энергия манбаларининг ўзи эса деярли учдан бир қисмини (+29,3 фоиз) оширган.

“ТОЛИБОН” ИЛК БОР ИККИ АЁЛНИ РАҚБАРЛИК ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАДИ

“Талибон” Афғонистонда ҳокимиятни қўлга киритганидан кейин биринчи марта аёлларни рақбарлик лавозимларига тайинлаганини эълон қилди.

Муваққат Вазирлар Маҳкамаси рақбарининг буйруғи билан доктор Малалай Раҳим Афғонистондаги ягона акушерлик ва гинекология муассасаси — Кобулдаги “Малалай” ихтисослаштирилган туғуруқхонаси директори этиб тайинланди. Доктор Ария эса Кобулнинг Шахрора кварталдаги гинекологик клиникага директор этиб тайинланган.

Афғонистонда “Талибон” аёлларга ҳижобда ишлаш ва ўқишга боришга рухсат берган. Аммо уларга эркаклар ҳамроҳлигисиз узок масофаларга саёҳат қилиш ва спорт билан шугулланиш тақиқланган.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ИСРОИЛНИ АПАРТЕИДДА АЙБЛАДИ



Amnesty International ташкилоти Фаластин халқининг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилаётгани ҳусусида ҳисобот эълон қилди. 280 саҳифали ҳужжатда, хусусан, Исроил фаластинликларга нисбатан апартеид сиёсати юритишида айбланди.

Ҳақиқатда ҳамда босиб олинган Ғарбий Соҳил ва Шарқий Қуддусда фаластинликларга паст ирқ вакили ўлароқ муносабат қилинмокда, деб ҳисоблайди Amnesty International. Уларнинг мол-мулки тортиб олиниб, аҳоли изоляция муҳитида сақланмокда. Халқаро ташкилот айирмачилик сиёсати изчил ва узок муддатли экани ва бу қабул қилиб бўлмаас ҳолат эканини таъкидлаган.

Исроил ташқи ишлар вазирлиги Amnesty International ҳисоботида илгари сурилган айбловларни кескин рад этган.

ЯНГИ “СТЕЛС-ОМИКРОН”НИНГ СИМПТОМЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Коронавирус омикрон-штаминининг янги қўрилиши — BA.2 симптомлари билан биринчи вирусни эслатади, бироқ айрим фарқлари бор. Уни қандай аниқлаш ҳақида Буюк Британия соғлиқни сақлаш бўйича хавфсизлик агентлиги

(UKHSA) маълум қилди.

Янги мутация учун хос аломатлар — юқори ҳарорат, тинимсиз йўтал, ҳид ва таъм билишнинг йўқолиши ёки бузилиши. Мутахассислар бундан хосроқ аломатларни ҳали аниқлаш кетмак, дейишмокда. Юқоридаги аломатлардан бир ёки бир нечтаси кузатилаётганда ковид-тест топшириш ва ўзини яққалашга ўтиш тавсия қилинмяпти.

“Омикрон”нинг янги хили (BA.2) ўтган ҳафта аниқланганди. Биринчиси (BA.1)дан ҳатто лаборатория шароитида ҳам фарқлаш қийинлиги учун уни “яширин” ёки “стелс-омикрон”, деб номлашди.

ПЕНТАГОН ЎЗ КУЧЛАРИНИ РУМИНИЯ, ПОЛША ВА ГЕРМАНИЯГА ВАҚТИНЧА ТАШЛАШГА ҚАРОР ҚИЛДИ



АҚШ кўмондонлиги, Европадаги вазият ва Россиянинг Украина яқинидаги ҳатти-ҳаракатларидан келиб чиқиб, вақтинча асосда Германия, Полша ва Руминияга қўшимча кучларини ташлайди, деди Пентагон (АҚШ муҳофаа вазирлиги) вакили Жон Кирби махсус ташкил этилган брифингда.

Кирби айни пайтда Германияда турган минг нафар ҳарбий Руминиядаги 900 нафар Америка аскари қаторига бориб қўшилишини айтди. “Яна қарийб икки минг нафар қўшимча ҳарбий хизматчи АҚШдан Полша ва Германияга ўтказилишини” таъкидлаган Кирби бу қўшимча кучлар Европага ташлашга тайёрланган 8,5 минг аскар орасидан олинмаганини алоҳида таъкидлади: 8,5 минглик қўшин ҳозирча Европага келтирилмайдми, бироқ шай ҳолатда туради.



АКТга ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРГА КОМПЬУТЕРЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4851-қарори ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилмоқда.

Хусусан, 2021–2022 ўқув йилида пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги 291-сонли, Миробод туманидаги 56, Яккасарой туманидаги 319, Чилонзор туманидаги 131, Учтепа туманидаги 193 ва Олмасор туманидаги 22-мактаблар информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилди. Улар замон талаблари асосида таъмирланиб, жиҳозланди. Мактабларнинг ҳар бирида иккитадан информатика синфи ҳамда рақамли кутубхона ташкил этилди.

Яқинда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, унинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Telecom Innovations” кўшма корхонаси ҳамда “O’zimpeksaloqa”

МЧЖ томонидан мазкур мактабларга 96 дона замонавий компьютер қурилмалари (моноблоклар) етказиб берилди. Бу техникалар шу йўналишдаги таълимни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш учун хизмат қилади.

Шунингдек, Наманган, Қашқадарё, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида янги ташкил этилган IT-мактабларга ҳам АКТ вазирлиги томонидан компьютер техникалари етказилди.

Ташкил этилган мактаблар шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан замонавий талаблар асосида таъмирланган бўлиб, ҳар бир мактабда ўқувчилар чуқурлаштирилган дарслар асосида ўқитилмоқда.

ҚИШЛОҚЛАРДА ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДАГИ ИНТЕРНЕТ



Энг олис ҳудудларни юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш бўйича тизимли ишлар Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кенг қулоч ёйган.

Республиканинг олис овуллари интернет тармоғи билан қамраб олинмоқда. Жумладан, Нукус шаҳар марказидан 126 километр, туман марказидан эса 16 километр узоқликда жойлашган “Жанадаря” ОФЙ ҳудудидаги 100дан зиёд хонадонларни GPON технологияси асосида интернет тармоғига улаш ишлари уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Сўнгги икки ой мобайнида ҳудудга 14 километр узунликда оптик толали алоқа линияси ётқизиilib, 1024 та абонентга мўлжалланган OLT қурилмаси ўрнатилган.

Бу ишларни амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикасида аҳолини юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш мақсадида 2021 йилда қурилган 3500 километрдан зиёд оптик толали алоқа линиялари қўл келяпти.

МУРОЖААТГА МУНОСАБАТ БИЛДИРИЛДИ

Жорий йилнинг январ ойида “Ishonch” газетасининг 2022 йил 11-сонида “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали фаолиятига доир “Беарволик токайгача” сарлавҳаси остида мақола чоп этилган.

Мақолада Қарши-9 алоқа бўлими масъул ходими томонидан “Қашқадарё соҳили санаторийси” МЧЖ ходимлари ва дам олувчилари обуна бўлган кўплаб газета ва журналлар етказиб берилмаётгани ҳақида ёритилган эди, хабар бермоқда Pochta.uz.

Ушбу масала юзасидан “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё вилояти филиали қўйидагиларни маълум қилади: Масала юзасидан “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали мутасаддилари томонидан ўрганиш олиб борилади ва 2021 йилда йўл қўйилган камчиликлар бартараф қилинди. Фаолиятида хатоликка йўл қўйган ходим ўз вазифасидан озод қилинди. “Қашқадарё соҳили санаторийси” МЧЖга хизмат кўрсатувчи почта ходими скутер билан таъминланиб, почта жўнатмалари, даврий нашрлар ўз вақтида етказиб берилмоқда. Мурожаат юзасидан “Қашқадарё соҳили санаторийси” МЧЖнинг маънавият бўлими бошлиғи билан суҳбат ўтказилди: “Ҳозирги кунда почта фаолияти юзасидан эътирозлар йўқ. Газета ва журналлар ўз вақтида етказиб берилляпти” – дейди маънавият бўлими бошлиғи Н.Шодиев.



ЭЪЛОН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

“INDEPENDENT TELECOM INNOVATIONS” МЧЖнинг (Тошкент шаҳри) 2022 йил 26 январдаги 360-сонли аризасига асосан, шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2019 йил 12 июлда берилган АА серияли 0006942 рақамли; “INTEGRA PREMIER” МЧЖнинг (Тошкент шаҳри) 2022 йил 21 январдаги 53/1-сонли аризасига асосан, АА серияли, қуйидаги:

- маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятга 2018 йил 9 июлда берилган 0006533 рақамли;
- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича фаолиятга 2017 йил 3 мартда берилган 0006121 рақамли лицензиялар лицензиатлар берган аризалар санасидан бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 24 августдаги 6044-сонли Фармонига асосан “U-DEVELOPMENT TEAM” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2019 йил 23 декабрда берилган АА серия 0008005 рақамли лицензия навбатдаги давлат божи тўланмаганлиги муносабати билан 2022 йил 1 февралдан бекор қилинди.

Маслаҳат

ЯХШИ УЙҚУ СИРИ

Ётоқхона жиҳозла-ри бўйича Online Bedrooms компанияси мутахассислари тунги яхши уйқу сирини очиб беришди. Уларнинг фикрига кўра, ётоқхонадаги ортиқча кераксий нарсалар ва тартибсизликлар миянинг бўшашига тўсқинлик қилади. Натижада, одамнинг тезда ухлаб қолиши ва тиниқиб дам олиши кийинлашади.

Мутахассислар ўрин тўшақларини ҳар куни тартибга келтиришни ва горизонтал юзаларда тўпланган нарсаларни олиб ташлашни маслаҳат беришмоқда. Шунингдек, шкафдаги нарсаларни тартибга солиш, зерикарли ортиқча декорация ва фойдаланилмаган мебеллардан халос бўлиш керак.

“Ётоқхонани тозалаш беш дақиқалик иш эмас. Энди киймайдиған ёки кийишни истамайдиған ва бошқа керак бўлмаған нарсалар билан хайрлашиш учун вақт ва бироз шафқатсизлик керак”, – дейди Online Bedrooms мутахассиси Ник Шеклок.

Ник Шеклок кичик юмушлардан бошланиш маслаҳат беради: “Шунчаки ўринни тайёрлаш ва юзадаги нарсаларни олиб ташлаш, бу – ажойиб бошланиш ва натижа дарҳол сезилади. Кейин шкаф, декор ва юмшоқ мебелларга ўтинг, ҳатто энди кераксий бўлган мебеллардан ҳам воз кечишингиз мумкин”.




Да Винчидан ИЛҲОМЛАНГАН МУҲАНДИС

Мериленд университети муҳандиси Остин Прет Леонардо да Винчининг расмлари асосида дрон яратди.

Уйғониш даврининг энг буюк вакилларида бири – италиялик расом ва олим, ихтирочи, ёзувчи, муסיқачи Леонардо да Винчи (1452–1519 йиллар)нинг бизгача етиб келган чизмаларидаги муҳандислик ғоялари ўз давридан анча олдинлаб кетган эди. Улардан бирида буюк даҳо, XV асрнинг 80-йиллари охирида, айланма ҳаво винти орқали ҳаракатланадиган ғайриоддий учиш аппарати эскизини чизган.

Беш аср ўтгач, Леонардо замонавий вертолётларнинг прототипини чизганлиги аниқ бўлди. Мериленд университети муҳандислари жамоаси унинг ҳисоб-китобларини текширишни ва улар асосида ишлайдиган самолётни яратишни ўз зиммасига олди. Изланишлар натижасида жамоа аъзоларидан



бири Остин Прет катта муваффақиятга эришди – у Да Винчи чизган расм асосида роторли квадрокоптер дронини яратди. Crimson Spin деб ном олган ушбу учувчисиз қурилма аллақачон бир неча парвозларни амалга оширди. Ўтган ҳафта Прет Сан-Хоседаги Transformative Vertical Flight 2022 (трансформацион вертикал парвоз) йиллик конференцияси иштирокчиларига ўз лойиҳасини тақдим этди.

Crimson Spinнинг техник имкониятлари жуда оддий бўлса-да, келажакда ушбу технологиядан фойдаланган ҳолда бир ўриндикли самолётни яратиш мумкин.

Леонардо да Винчи XV асрда ўзининг “ноу-хау” сини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган. Масалан, унинг ихчам электр станцияси ва мос материаллари йўқ эди. Ундан фарқли ўларок, Остин Прет ўз самолётини CAD тизимидан фойдаланган ҳолда лойиҳалаштирган ва алюминий, пластмасса, электр моторлар, компютерни бошқариш тизимлари ёрдамида ясаган.

Бироқ, мукамалликка эришиш йўлида у ҳали кўплаб, хусусан, винтларнинг оғирлигини камайитириш ва қурилманинг барқарорлигини ошириш каби муаммоларни ҳал қилиши керак.

Қизиқарли фактлар

Нега аёллар ҳуснихати чиройли бўлади?

Биринчи навбатда, болаларни ривожланиш тезлиги. Қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан ўзлаштириш қобилияти юқори бўлади. Улар маълумотларни яхши ва тез қабул қиладилар. Шу билан бирга, қиз бола ўз мақсадига эришиш йўлида кўпроқ меҳнат қилади.

Нега қон олиш вақтида номсиз бармоқ азият чекади?

Аслида врачлар учун қайси бармоқдан қон олиш унчалик муҳим эмас. Инсонлар бу бармоқдан кам фойдаланадилар ва бу бармоқ кам ҳаракатли бўлгани сабаб ундан қон олишда фойдаланилади, холос. Шуниси қизиқки, номсиз бармоқнинг учларида асаб толалари бошқалариникига нисбатан камроқ бўлади.

<p>Xabar</p> <p>MUASSIS</p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSİYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>	<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p> <p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>	<p>MANZILIMIZ:</p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori).</p> <p>Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Usmonjon YO'LDOSHEV.</p>		
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>	<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>	<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>	<p>Г-259 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3130</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p>
<p>Viloyat muxbirlari: Andijonda (74) 226-47-80, Buxoroda (99) 854-7305, Jizzaxda (94) 199-95-64, Namanganda (91) 353-71-25, Navoiyda (79) 225-91-10, Nukusda 554-35-45, Samarqandda (91) 557-84-44, Termizda (99) 508-30-52, Toshkentda 234-18-59, Urganchda (97) 211-65-05, Farg'onada (73) 244-18-05, Qarshida (93) 931-08-99</p>				